

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03. РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШОДИКУЛОВА АЗИЗА ЗИКИРЯЕВНА**

**МЕДИАМАТНДА МЕТОНИМИЯ ВОҚЕЛАНИШИНING КОГНИТИВ –  
ДИСКУРСИВ ЖИҲАТЛАРИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

УЎК: 811.111`373.612.2:  
[81`276.6:070+316.77]

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD)  
in Philology**

**Шодикулова Азиза Зикиряевна**

Медиамаатнда метонимия воқеланишининг когнитив-дискурсив  
жиҳатлари ..... 3

**Шодикулова Азиза Зикиряевна**

Когнитивно-дискурсивные аспекты репрезентации метонимии в  
медиаатексте.. ..... 31

**Shodikulova Aziza Zikiriyayevna**

Cognitive-discursive aspects of metonymy in the mediatext ..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 63

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03. РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШОДИКУЛОВА АЗИЗА ЗИКИРЯЕВНА**

**МЕДИАМАТНДА МЕТОНИМИЯ ВОҚЕЛАНИШИНING КОГНИТИВ –  
ДИСКУРСИВ ЖИҲАТЛАРИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1/PhD/Fil826 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ҳамда «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сафаров Шаҳриёр Сафарович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Аҳмедов Ойбек Сапорбаевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Файзуллаев Отабек Мухаммадович**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етақчи ташкилот:**

**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети хузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «19» ноябр соат 12<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz))

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (193 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил «07» ноябр куни тарқатилди.  
(2022 йил «07» ноябр даги 22-24 - рақамли реестр баённомаси.)



**Д.С.Ўраева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

**З.И. Расулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

**М.М. Жўраева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида антропоцентризм йўналишининг ривожини туфайли бугунги кунда инсоннинг лисоний–тафаккур фаолияти ҳамда оламнинг лисоний манзарасини тасвирлаш имкониятларини аниқлаш бўйича фундаментал тадқиқотларни амалга оширишга эҳтиёж кучайиб бормоқда. Шу аснода, дискурсив фаолиятнинг самарали кечишини таъминловчи ходисаларнинг онтологик моҳиятини аниқлаш, уларнинг матн таркибида фаоллашувига асос бўладиган қоида ва тамойиллар кўламини белгилаш тилшуносликда долзарб аҳамият касб этмоқда. Зотан, лисоний бирлик ва турли кўринишдаги нутқий тузилмаларнинг дискурсив фаоллашуви тилнинг коммуникатив моҳиятини чуқур англашга имкон яратади.

Дунё филология фанида метонимия ходисасининг кенг кўламда ўрганилиши мазкур ходисанинг семантик ва функционал табиатини талаб даражасида очиб бериш, унинг матн тузилишида бажарадиган вазифаларини аниқлаш имконини беради. Бироқ, метонимик муносабатларнинг когезия боғламларини ҳосил қилиш имкониятлари етарли даражада ўрганилмаган ҳамда улар юзага келишига туртки берувчи омиллар батафсил тавсифланмаган. Шунингдек, метонимик муносабатларнинг оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган хабарлар матнларида воқеланиши шартлари илмий жиҳатдан тўлиқ асослаб берилмагани мазкур муаммони мажмуавий равишда, замонавий таҳлил усуллари татбиқида тадқиқ қилишни тақозо этади.

Ижтимоий ҳаётдаги янгиланиш даврини ўтаётган мамлакатимиз илм-фан интеграциясидан четда қололмайди. Дунё тилшунослик фанида пайдо бўлган янги ёндашувларда инсон омилини “тил ва тафаккур”, “тил–инсон–мулоқот” кесимларида кўриб чиқиш ғояси олға сурилаётган бир пайтда ўзбек тилшунослигида ҳам тадқиқотлар кўламини кенгайтириш имкони пайдо бўлади. Зотан, ҳозирги замон шиддати фан соҳаларини мутассил янгича тафаккур, ғоя ва тамойиллар билан бойитиш заруратини юзага келтиради. Айниқса, инглиз тилининг халқаро мулоқот воситаси сифатида ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб келаётгани ижтимоий муаммоларни хорижий тиллар контекстида ўрганиш истиқболларини белгилаб берди. Мамлакатимиз Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора–тадбирлари тўғрисида”ги<sup>1</sup> Қарорнинг қабул қилиниши мутахассис олимлар олдига турли тиллар тизимини назарий ва амалий жиҳатдан батафсил ўрганиш вазифасини қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5647-сон “Ўзбекистон

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида хорижий тиллари ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора–тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117 – сон Қарори.

Республикаси олий таълим тизими 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқлаш тўғрисида”ги, фармонлари, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775 сон-“Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2022 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикаси хорижий тилларни урганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиқатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида ва ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларнинг бажарилишига мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Метонимия ҳодисаси қадимдан турли тадқиқотлар, дарсликларда эслатиб келинаётгани маълум. Арасту давридан бошлаб метонимия, метафора билан бир қаторда, ўзаро яқин нарса-ҳодисалар бирининг иккинчисига кўчиши билан боғлиқ ҳодиса сифатида қаралиб, унинг лисоний, риторик жиқатлари ёритиб келинмоқда.<sup>2</sup>

Қатор тадқиқотларда метонимиянинг ҳосила маъно юзага келиши билан боғлиқ жиқатлари ўрганилиб, уларнинг фарқли белгилари қайд этилган.<sup>3</sup> Бундан ташқари, анъанавий талқинларга асосланган ҳолда метонимия ҳодисаси лексик сатҳда ўрганилиб, унинг референтли ва референтсиз ифодаланиши, сўз яшаш тизимидаги ўрни, грамматик хусусиятларига ҳам эътибор қаратилди.<sup>4</sup>

---

<sup>2</sup>Dirve R., Porings R. (ed.) *Metaphor and metonymy in Comparison and Contrast*. – Berlin: Mouton de-Gruyter, 2002. –78 p; Lyons J. *Linguistic Semantics: An Introduction*. – Cambridge: CUP, 1995. –68 p; Searle J. *Expression and meaning*. – Cambridge: CUP, 1975. –59 p.; Koch P. *Metonymy: Unity in diversity // Journal of Historical Pragmatics*, 2001. Vol. 2.–P. 201-244; Арутюнова Н.Д. *Язык и мир человека*. – М.: Языки славянской культуры, 1998. –86 с; Якобсон Р. *Работы по поэтике*. – М.: Прогресс, 1987. –46 с; Степанов Ю.С. *В трехмерном пространстве языка*. – М.: Наука, 1985. –93 с; Аликулов Т. *Метонимия ва полисемия тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар* –Т.: Фан, 1965. –77 б; Сувонова Р. *Ўзбек тилида метонимияси*. – Т.: Халқ мероси, 2003. –Б. 36-75.

<sup>3</sup>Арнольд И.В. *Лексикология английского языка*. Л.: Просвещение, 1990. –39 с; Фомина М.И. *Лексика современного русского языка*. – М.: Высшая школа, 1973. –79 с; Русанівський В.М. *Структура лексичной и грамматичной семантики*. – Киев: Наукова думка, 1988. –120 с; Никитин М.В. *Лексическое значение в слове и словосочетании*. – Владимир: Изд-во ВГПИ, 1974. –96 с; Аликулов Т. *Функциядошлик ҳодисасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти*, 1965, 6 – сон; Миртожиев М. *Ўзбек тили семасиологияси*. – Т.: Мумтоз сўз, 2010. – 288 б; Kwiatkowska A. *Pre – linguistic and non – linguistic metonymy // Perspective in Metonymy*. – Frankfurt Main: Peter Lang, 2007. –P. 297-307; Radden G. *How metonymy care metaphors? // Metaphor and Metonymy at the Crossroads*. –Berlin: Mouton de Gruyter, 2000. –P. 93-108.

<sup>4</sup>Cruse D. *Lexical semantics*. – Cambridge: CUP, 1986. –P.46-54; Bierwiazzonek B. *On formal metonymy // Perspectives on Metonymy*. – Frankfurt / Main: Peter Lang, 2007. – P. 43-67; Hilpert M. *Chained metaphors //*

Сўнги йиллардаги когнитив тилшуносликнинг ривожини метонимик кўчимнинг концептлар ўртасидаги муносабатлар асосида юзага келишини исботлашга замин яратди. Натижада, метонимиянинг когнитив ва прагматик табиатини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар кўламини кенгайтиб бормоқда.<sup>5</sup>

Лекин метонимиянинг матн тузилиши жараёнида бажарилган вазифалари, унинг матнда мазмуний яхлитликни ҳосил қилувчи когезия боғламларини шакллантиришдаги роли етарли даражада ўрганилмаган. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларига тегишли матнларнинг лексик–грамматик, систем–семантик хусусиятлари таҳлил қилинган бўлса-да, бироқ уларнинг таркибида метонимик муносабатларнинг воқеланиши масаласига унчалик эътибор қаратилмаган. Ушбу ҳолатлар танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини изоҳлайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Самарқанд давлат тиббиёт университети Тиллар кафедрасида бажарилаётган «Тил ҳодисаларининг прагматик талқини ва тил таълимининг лингводидактик асослари» мавзусидаги 2017-2021 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқотлар истиқболли режаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** метонимиянинг медиаматнлари таркибида когезия боғламлари шаклланишидаги иштирокини таҳлил қилиш орқали ушбу матнларнинг мазмунан яхлитлигини таъминлашга йўналтирилган вазифаси кўламини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

медиамаатнлар таркиб топишида метонимиянинг когнитив восита сифатида қандай хусусиятлари ва имкониятлари намоён бўлишини аниқлаш;

метонимик кўчим жараёнида шаклланидиган ҳосила бирликларининг когнитив моделларини аниқлаш ва ушбу моделларнинг лисоний воқеланишини таъминловчи воситалар қаторини белгилаш;

“яхлит - қисм” муносабати доирасида ҳосил бўлган метонимик бирликларнинг медиаматнда референтли ва референтсиз фаоллашуви билан боғлиқ жиҳатларини тавсифлаш;

медиамаатнлар таркибида юзага келадиган метонимик муносабатларни ажратиш ва уларнинг когнитив-дискурсив мақомини белгилаш усулларини ишлаб чиқиш.

---

Experimental and Empirical methods in Functional Research. – CSL I Publications, 2006. – P. 1-12; Langaker R. Metonymy in Grammar // Journal of Foreign Language, 2004. vol. 4. – P. 2-24; Panther K., Thornburg L. The effect for cause metonymy in English Grammar // Metaphor and Metonymy at the Crossroads. – Berlin: Mouton de Gruyter, 2000. – P. 215-232; Ruiz de Mendoza I., Campo L. Metonymy, Grammar and Communication. – Granada: Editorial ComRes, 2002. –P. 12-24.

<sup>5</sup>Panther K., Thornburg L. Metonymy and Pragmatic Inferencing. – Amsterdam: John Benjamins, 2003. –23 p.; Koch P. Metonymy between pragmatics reference and diachrony // Metaphoric, 2004. Me. 4. – P. 6-54; Barcelona A. The cognitive theory of metonymy // Metaphor and Metonymy at the Crossroads: A. Cognitive perspective. – Berlin: Mouton de Gruyter, 2000. – P. 1-15; Dirven R., Verspoor M. Cognitive Exploration of Language and Linguistics. – Amsterdam: John Benjamins. 2004. –16 p.; Croff W., Cruse A. Cognitive Linguistics. – Cambridge: CUP, 2004. – 36 p.; Ashurova D.U., Galiyeva M.R. Cognitive linguistics. – T.: Vnesh Invest Prom, 2018. –160 p.; Попова З.Д., Стерпин И.А. Когнитивная лингвистика. – М.: Восток - Запад, 2007. –44 с.; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. –92 б.; Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги матнларнинг антропоцентрик талқини. Филол.фанлари докт... дисс.автореферати. Т.: 2015. –135 б.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида таркибида турли кўринишдаги метонимлар воқеланган инглиз тилидаги медиаматнлар намуналари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** метонимларни тавсифлаш ва таснифлашнинг когнитивдискурсив тамойилларини белгилаш ва уларнинг медиаматнлар тузилишида намоён бўладиган хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Мавзуни ёритишда умумий ва махсус лингвистик таҳлил методлари: тавсифлаш усули, моделлаштириш усули, концептуал ва контекстуал таҳлил ҳамда қиёслаш методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

метонимик кўчимнинг табиатини ёритиш ва унинг кечишини таъминловчи омиллар қаторини белгилаш асосида ушбу ҳодисанинг лисоний фаолият натижасидан кўра, кўпроқ концептуал жараён маҳсули эканлиги исботланган;

метонимик муносабатлар шаклланишининг лисоний–мантиқий тамойиллари қиёсланиб, метонимларнинг таснифий кўрсаткичлари белгиланган ҳамда “яхлит – қисм” ва “сабаб – оқибат” моделларига оид бирликларнинг медиаматнларда коммуникатив мақсадни воқелантиришга йўналтирилган вазифалари фарқ қилиши далилланган;

метонимик тузилмалар медиаматнда когезия боғламларини ҳосил қилувчи восита сифатида қаралиб, матн тузилишини таъминловчи ушбу турдаги бирликларнинг метонимик табиати шаклан ўхшашлик ҳамда ягона бир тушунчани ифодалаш билан боғлиқлиги уларнинг умумий концептуал майдон кўламида ўзаро жипслашувига асос яратиши очиб берилган;

“яхлит – қисм” муносабати доирасида ҳосил бўлган метонимларнинг медиаматнда референтли қўлланиши таҳлили жараёнида уларнинг: 1) ўқувчининг диққатини тез ва тежамкор усулда хабарнинг асосий қисмига жалб қилиш; 2) концептуал майдоннинг маълум бир қисмини ажратиб кўрсатиш ёки эътиборсиз қолдириш вазифаларини ўташи аниқланган ҳамда унинг амалга оширилиши матнда тўғридан-тўғри такрорнинг олдини олиш ва мавзунинг давомийлигини таъминлашга шароит яратиши далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

медиаматнларнинг тузилиши, функционал ва когнитив хусусиятларига оид натижалар матн тилшунослиги, дискурсология соҳалари учун муҳим назарий–амалий таҳлил йўналишлари шаклланишига асос бўлиши исботланган;

метонимик кўчимларнинг медиаматнлар тузилишидаги иштирокининг тадқиқи натижасида эришилган хулосалардан матн таҳлиliga йўналтирилган машғулотларда фойдаланиш мумкинлиги асосланган;

метоним тузилмаларининг онтологик табиатини ёритиш жараёнида ажратилган таснифий гуруҳларга кирувчи бирликлар метонимларнинг изоҳли ва таржима луғатларини яратишда манба бўлиши мумкинлиги далилланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ шакллантирилганлиги, қўлланилган тадқиқот усулларининг замонавийлиги,



илмий-назарий манбаларнинг ва таҳлил қилинган материал ҳажмининг нуфузлилиги ҳамда хорижий ва республика журналларида мақолалар чоп қилинганлиги, чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти метонимик муносабатлар табиатининг лингвокогнитив жиҳатлари билан боғлиқ назарий масалалар очиб берилганлиги, метонимик маънони вужудга келтириш омиллари аниқланганлиги, матн тузилишининг метонимия ҳодисаси нуқтаи назаридан ўрганиш янги йўналиш эканлиги ҳамда дискурс тадқиқида функционал ва когнитив ёндашувлар бири иккинчисини тўлдириши исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, танланган объектнинг моҳияти ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда эришилган илмий хулосалар миллий тилшунослик фаннинг ҳозирда долзарб муаммоси бўлган семасиология ва матншунослик тадқиқотлари ривожини учун қимматлидир. Ушбу натижалар когнитив тилшунослик, прагмалингвистика, психоллингвистика ва нутқшунослик соҳалари учун ҳам аҳамиятлидир. Ишнинг таҳлилга тортилган материалларидан олий таълимнинг филология йўналишларида таҳсил олаётган талабалар учун махсус курслар ва семинарлар ўтказишда, шунингдек, дарслик ва бошқа ўқув адабиётларини тузишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Метонимия ҳодисасининг когнитив–дискурсив хусусиятларини тавсифи ва унинг медиаматнлар тузилишидаги иштироки тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

метонимик муносабатлар шаклланишининг лисоний–мантиқий тамойиллари, метонимларнинг таснифий кўрсаткичлари ҳамда “яхлит – қисм” ва “сабаб – оқибат” моделларига оид бирликларнинг медиаматнларда коммуникатив мақсадни воқелантиришга йўналтирилганлиги таҳлили кўламида олинган натижалардан И-204-4-5 “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” мавзусидаги инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022 йил 19 мартдаги 729/30.02.01 - сон маълумотномаси). Натижада, инглиз тили мутахассислик предметлари бўйича яратилган виртуал ресурсларнинг манбалар захираси бойитилган;

метонимик кўчим жараёнида шаклланадиган ҳосила бирликларининг когнитив моделларини аниқлаш ва ушбу моделларнинг лисоний воқеланишини таъминловчи воситалар қаторини белгилаш ҳақидаги хулосалардан Erasmus + дастури 585845-EPP-1-2017-1-ES-EPPKA2-CBHE-JP CLASS: “Computational Linguistics at Central Asian universities” номли халқаро лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022 йил 28 мартдаги 764/30.02.01 - сон маълумотномаси). Натижада, олий

ўқув юрти талабаларида тиллараро ва маданиятлараро компетенцияни шакллантириш ва матн соҳасидаги билим-кўникмаларни халқаролаштириш усулларига оид тавсиялар мажмуаси шакллантирилган;

“яхлит–қисм” муносабати доирасида ҳосил бўлган метонимларнинг медиаматнда референтли қўлланиши таҳлили жараёнида эришилган натижалардан 5436012000264-сонли “Психология инновационного поведения: становление инновационной личности. Социально-гуманитарные проблемы современного общества” мавзусидаги 2019-2021 йилларга мўлжалланган фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2022 йил 25 мартдаги № 921 - сон маълумотномаси). Натижада, 1) ўқувчининг диққатини тез ва тежамкор усулда хабарнинг асосий қисмига жалб қилиш; 2) концептуал майдоннинг маълум бир қисмини ажратиб кўрсатиш ёки эътиборсиз қолдириш вазифасини ўташи аниқланган ҳамда унинг амалга оширилиши матнда тўғридан–тўғри такрорнинг олдини олиш ва мавзунинг давомийлигини таъминлаш имконини яратилган;

ишнинг медиаматнлар таркибида юзага келадиган метонимик муносабатларни ажратиш ва уларнинг когнитив–дискурсив мақомини белгилаш усуллари ишлаб чиқиш борасидаги илмий хулосаларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Самарқанд!” дастурининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2022-йил 30 мартдаги 01-11/113 - сон маълумотномаси). Натижада, томошабинларнинг медиаматндаги метонимик муносабатлар жараёнида намоён бўладиган лингвокогнитив ва дискурсив хусусиятлар ҳақида билимлари ошишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, 1 та мақола Скопус базасидаги журналларда ва бошқа хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 161 саҳифани ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва материали аниқланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган. Олинган

натижаларнинг ишончилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, апробация, натижалар, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Метонимиянинг когнитив ҳодиса сифати тавсифланиши”** деб номланган биринчи бобида метонимия кўп қиррали когнитив – семантик ҳодиса сифатида талқин қилиниб, унинг дискурсив – прагматик моҳиятини ўрганиш зарурати асосланган. Шунингдек, массмедиа матнларининг тузилишини функционал – когнитив ёндашув татбиқида таҳлил қилишнинг самараси белгиланган.

Метонимия ҳодисаси олимларнинг диққатини кўп асрлардан буён жалб қилиб келаётган бўлса-да, лекин когнитив тилшунослиги тараққиёти ушбу ҳодисанинг тадқиқида янги бурулиш юзага келишига сабаб бўлди. Метонимияга Г. Рэддин ва З. Ковеч беришган таъриф қарийб барча тадқиқотчилар томонидан ҳеч қандай эътирозсиз қабул қилиниб келинмоқда:<sup>6</sup> “Metonymy is a cognitive process in which one conceptual entity, the vehicle, provides mental access to another conceptual entity, the target, within the same idealized model”. (Метонимия когнитив жараён бўлиб, унда бир концептуал бирлик воситасида ягона бир ментал модел доирасида иккинчисининг идрок этилишига имкон пайдо бўлади).

Мазкур таърифнинг бошқалар томонидан берилганлардан кўра маъқул топилиши, албатта, маълум сабаблар билан боғлиқ. Биринчидан, бу таъриф когнитив тилшуносликнинг асосчиларидан бўлган Р. Лэнгэкер олға сурган “референция нуқтаси” (Reference point) ғоясига мос келади<sup>7</sup>. Иккинчидан, ушбу таърифта метонимик жараёнлар кесимида билиш тузилмаларини акс эттирувчи “идеаллашган когнитив моделлар”нинг (idealized cognitive models) ўрни алоҳида эканлиги таъкидланади.

“Идеаллашган когнитив модел” (idealized cognitive model) тушунчаси умумлаштириш қувватига эга ва фрейм, скрипт, сценария, схема каби когнитив тилшуносликнинг турли соҳаларида амалда бўлган қатор тушунчаларни умумлаштирган ҳолда метонимиялар ҳосил бўлишининг негизида турган инсон билим кўламини акс эттирувчи когнитив структураларни ажратиш ҳамда тавсифлаш учун қулайлик туғдиради.<sup>8</sup>

Нолисоний омил бўлган нарса-ҳодиса омили ва лисоний белги ҳамда шакл ва концепт жуфтликлари ўртасидаги муносабат референциал вазиятни юзага келтиради. Бу муносабатлар доирасида шаклланадиган метонимияни “референт метафораси”, деб номлаш мумкин Масалан, аниқ бир бино ва умуман бинолар гуруҳи ҳақида сўз кетганида ягона бир онтологик ҳудудда концептлар шакллантирувчи семиотик тузилмалар идеал когнитив моделлари концептуал моделлар сифатида қабул қилинади. Бунда бир лисоний

<sup>6</sup> Radden G., Kovences Z. Towards a theory of metonymy in language and thought. - Amsterdam: John Benjamins, 1999. –P. 21.

<sup>7</sup> Langacker R. Metonymy in Grammar // Journal of Foreign Languages, 2004. vol. 4. – P. 2-24.

<sup>8</sup> Кубрякова Е.С. и др. Краткий словарь терминов когнитивной лингвистики. -М.: МГУ, 1999. –38 с., Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. - Жиззах: Сангзор 2006. –Б. 92. Ashurova D.U., Galiyeva M.R. Cognitive Linguistics. -T, Vnesh Invest Prom, 2018. - P. –160.

белгининг иккинчиси билан муносабати доирасида концептуал метонимия ҳосил бўлади.

Рэдден ва Ковеч назариясига биноан идеал когнитив модел қисмлардан иборат яхлитлик сифатида қаралиб, бу қисм ёки бўлақлар концептуал элементлардир. Шу нуқтаи назардан метонимиялар икки кўринишга эга: яхлит ва унинг қисмлари ўртасидаги муносабатга асосланган метонимия ва ягона бир яхлитликнинг қисмлари ўртасидаги муносабатга асосланганлар.

К.Рэнтер ва Л.Торнбург таклиф қилишган назарияга кўра, метонимия фақат референт сатҳида эмас, балки пропозиция ва иллокуция сатҳларида ҳам намоён бўлади. Шундай прагматик ёндашувга асосланган ҳолда улар пропозиция ва иллокуция метонимияларини алоҳида турларга ажратадилар.

Метонимия ҳодисасини назарий жиҳатдан ўрганган яна бир олим Ал-Шарафийдир. У ҳам метонимиянинг табиатига семиотик нуқтаи назардан ёндашади ва ушбу ҳодисани “бир сўз, тушунча ёки объект иккинчисининг ўрнига маълум боғлиқлик ёки сабаб асосида қўлланиш жараёни”, деб таърифлайди.<sup>9</sup>

Олимнинг қайдича, метонимиянинг ушбу табиати икки турдаги муносабатларда намоён бўлади. Булар яқинлик ва сабаб муносабатлари бўлиб улардан биринчиси “қисм яхлит ўрнида” (part-for-whole) ва “яхлит қисм ўрнида” (whole—for—part) метонимик моделлари таркибида воқеланса, иккинчиси “сабаб оқибат ўрнида” (cause—for—effect ) ва “оқибат сабаб ўрнида” (effect—for—cause) моделидаги метонимларни ҳосил қилади. Метонимларда бу хилдаги муносабатларнинг акс топиши қуйидаги чизмада тасвирланади:



**1-расм. Метонимик муносабатлар модели**

Кўрсатилган тўрт кўринишдаги муносабатлар лисоний шакл, когниция ва контекстлар оралиғидаги боғланишларни таъминлайди.

Ал-Шарафининг матний метонимия модели риторика, стилистика, ва матн тилшунослиги соҳалари ўзаро ҳамкорлиги доирасида шаклланган назарий қараш маҳсулидир. Ушбу назарияга биноан, матн тафаккур жараёнида тузиладиган қурилма бўлиб, унда ҳам яхлит ўрнида метонимик муносабат акс топади.

<sup>9</sup> Al-Sharafia. Textual Metonymy: A Semiotic Approach. - New York: Palgrave Macmillan, 2004. –276 p.

Метонимия сўз маъноси ўзгаришини таъминловчи воситалардан бири ҳисобланади. Лексик бирликларни маъно ривожига эса турли кўринишларга эга. Маънонинг ифода доираси кенгайиши ёки торайиши, мавҳум ҳолатга келиши ёки аниқ кўриниш олиши мумкин. Бунда мавжуд маънодаги ўзгаришлар, ҳосила маъноларнинг пайдо бўлиши алоҳида аҳамиятга эга.<sup>10</sup>

Келтирилган таърифларнинг барчасида ассоциатив ўхшашлик хусусияти умумий кўрсаткич сифатида кўрсатилиб, унинг метонимик маъно кўчимининг асосий таянч нуқтаси эканлиги алоҳида таъкидланмоқда. Худди шу хусусият бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида ҳам қарийб бир хилда такрорланиб келмоқда.

Бизнингча, “ассоциатив ўхшашлик” тушунчасини кенг маънода англаш лозим бўлади. Чунки бу ерда “ўхшашлик” маълум муносабатларда бўлган нарса-ҳодисаларнинг ўзаро алоқаси мазмунида қабул қилинган. Маъно кўчими реал мавжуд бўлган предметлар муносабати ўзаро ўхшашликка, яқинликка асосланганидагина юзага келади.

Метонимия, бошқа турдаги маъно ўзгаришларидан фарқли ўлароқ, ифодадаги экспрессивликни кучайтиришдан кўра, кўпроқ нутқдаги тежамкорликни таъминлаш учун хизмат қилади. Мазкур тадқиқотимизда биз асосий эътиборни метонимик жараёнларнинг матн доирасида кечиши билан боғлиқ жиҳатларини ёритишга ҳаракат қилдик ва бунда лисоний шаклларнинг тушунчалар дунёси билан боғловчи тугунларни аниқлаш ҳамда уларни изоҳлаш бирламчи вазифага айланди. Ал-Шарафи таклиф қилган метонимиянинг матн назариясига таянган ҳолда манбаси шакл ёки тушунча бўлиши мумкин бўлган моделни танлашни маъқул кўрдик. Ушбу моделда метонимик тафаккурни ҳаракатга келтирувчи восита ёки лисоний шаклнинг ўзи ёки у томонидан воқеалантирилган тушунчадир. У ҳолда мўлжалдаги бирлик ҳам формал ёки концептуал кўринишни олади. Таклиф қилинаётган модел тилнинг семантик табиатига мос тушади, зеро тил тизими шакл ва тушунча уйғунлигини тақоза этади.

Шундай қилиб, метонимиянинг газета хабарлари матнида бажарадиган вазифалари таҳлилини амалга ошириш учун функционал дискурсив ва когнитив ёндашувларни умумлаштирган ҳолда татбиқ этиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Зотан, мулоқот ва тафаккур юритиш жараёнларининг метонимик хусусиятларини белгилаш ва изоҳлаш учун матннинг метонимик тузилишини билишимиз зарур.

Ушбу моделнинг муҳимлиги унинг таркибида ижтимоий воқелик, тушунчалар ва шаклларнинг ўзаро боғлиқликда, алоқада эканлигида намоён бўлади. Тушунчалар ментал ҳодисалар бўлиб, оламдаги нарса ҳодисалар ҳақидаги тасаввурни акс эттиради. Ҳар қандай тушунча инсонларнинг ижтимоий воқелик борасидаги тажрибасига асосланади. Тил тизими ҳам шу йўсинда инсон онгида тўпланган тушунчалардан ташкил топади ва улардан

---

<sup>10</sup> Миртожиев М. Переносные значения: их манифестация в узбекском языке. Автореф.дисс...док.филол. наук - Т., 1989. –38 с.

фойдаланиш когнитив тамойилларга асосланади. Лисоний шакллар, аслини олганда, шу тамойилларнинг фаоллашуви натижасидир.

Когнитив тилшунослик йўналишидаги тадқиқотлар семантик кўчимларнинг кўп жиҳатдан одамларнинг кундалик тафаккур фаолият тизими билан боғлиқлигини ва кундалик билимнинг манбаси метафорик ҳамда метонимик тафаккур тамойиллари томонидан назорат қилинишини исботлаб берди.

Метонимиянинг дискурсив табиатини ўрганишга киришган энг биринчи тадқиқотчилар қаторига машҳур тилшунос Роман Якобсон ҳам киради. Олимнинг мақоласида таклиф қилинган назарияга биноан, дискурсининг табиати метафорик ёки метонимик мақомига эга бўлиб, воқеалар кетма-кетлигидаги баённи воқелантиришда метонимиянинг улуши метафораникидан кўпроқдир. Метонимия дискурсининг структур элементи сифатида намоён бўлиши билан биргаликда, семантик тамойилларга асосланган ҳолда ўрин алмаштириш вазифасини ҳам бажаради.<sup>11</sup>

Шунингдек, айрим ишларда метонимларнинг матндаги когезия боғламларини ҳосил қилишдаги роли қисман ўрганилган. Анафорик вазифадаги метонимиянинг маълум турдаги концептуал амаллар натижаси эканлигини таъкидлашаётган тадқиқотчилар фикрича, метонимия ҳеч қандай истисносиз нутқий тузилма қисмлари когезиясини таъминлайди, чунки икки ёки ундан ортиқ тушунчалар ягона бир лисоний белги воситасида воқеланади.<sup>12</sup>

Равшанки, функционал ва когнитив ёндашувлар кўп жиҳатдан бириккинчисини тўлдиради. Когнитив тилшунослардан бири образли қилиб тавсифлаганидек, ушбу икки ёндашув “кўлни-кўлга берган ака-укалардир”.<sup>13</sup> Когнитив моделлар тадқиқида функционал йўналиш тилшунослар қайд этган тилнинг фаоллашган ҳолатларини мустақил тасвирлаш имконига эга эмас. Худди шунингдек, функционализм тарафдорлари ҳам лисоний ижодкорликнинг когнитив тизими хусусиятларини билиш зарурлигини тан олади. Хуллас, биз лисоний мулоқотнинг табиатини тўлиқ кўринишда тасвирлаш учун функционал-когнитив ёндашув доирасида шаклланган таҳлил усулларига мурожаат қилишимиз зарур бўлади.

Бундай ёндашув, матннинг структур ва мазмуний тузилишини таъминловчи омилларни ўрганишда қулай келишига гумон йўқ. Матн тузилишига бағишланган ишларда эътибор матн қисмлари ўзаро муносабати билан бир қаторда, қисмларнинг яхлит матнга муносабати ҳам эътиборга тушмоқда. Бунинг натижасини когезия, когеренция ва дейксис ҳодисаларининг жадал ўрганилаётганида кўриш мумкин.<sup>14</sup>

<sup>11</sup> Jacobson R. The metaphoric and metonymic roles. *Metaphor and metonymy in Comparison*. - N.Y. Mouton de Gruyter, 2003. – P. 41-48.

<sup>12</sup> Brdar M., Brdar-Szabo R. The (non) metonymic use of place names in English, German and Croatian // *Metaphors and Metonymy in Grammar*. - Amsterdam: John Benjamins Publ.Comp, 2009. – P. 241-266.

<sup>13</sup> Nuyts J. Brothers in arms. On the relating between Cognitive and Functional Linguistics // *Cognitive Linguistics, Internal Dynamics and Interdisciplinary Interaction*. - Berlin: Mouton de Gruyter, 2005. P. –69.

<sup>14</sup> Киселёв Д.А. Анафорический потенциал глагола французского языка faire // *Вестник Московского государственного областного университета. Серия: Лингвистика*. 2017. № 5. – С. 141-149.

Турли жанрларда матнларнинг қиёсий ўрганилиши натижалари гувоҳлик беришича, когезия турли шаклдаги матнларда қисмларни боғловчи асосий усулдир, бироқ когезия воситаларининг жанрларда воқеланиш ва тарқалиши кескин фарқ қилади. Бинобарин, когезия воситаларининг ҳар хил регистрларда тарқалиш миқдорини аниқлашга уринган Ж. Буткиннинг кузатишича, лексик когезия воситалари турли жанрларда деярли бир хил миқдорда учраса-да, лекин грамматик усул матн қайси жанрга хослигига боғлиқ.<sup>15</sup>

Биз таҳлил учун танланган манба, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган информацион характердаги оғзаки ва ёзма матнлар бўлиб, улар дунёда кечаётган турли воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабарлардан иборат. Мазкур шаклдаги матнлар, оғзаки ёки ёзма бўлишидан қатъий назар, оммага тушунарли тарзда битилган бўлиб, тилшуносликнинг турли соҳалари учун тадқиқ манбаи бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, биз метонимиянинг дискурсив фаолиятда тутган ўрни, унинг матнни мазмуний тузилиши жараёнида бажарадиган вазифаларини аниқлаш мақсадида инглиззабон медиаматнлари таҳлилинини режалаштирдик. Ахборий мазмун туридаги матнларни асосан оммавий ахборот воситаларининг электрон манбаларидан танладикки, бу бир томондан, материал тўплашни осонлаштиради, иккинчидан, жанрлараро қиёсий таҳлилни бирмунча осонлаштиради.

**“Матн тузилиши шаклланишида метонимларнинг роли”** деб номланган иккинчи бобда медиа матнларда когезия ҳодисасининг воқеланиш ёритилиб, матн қисмлари ўртасидаги структур–семантик боғланишларда метонимик бирликларнинг иштироки таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу бобда когезиянинг лексик ва грамматик турлари ажратилиб, уларнинг метонимик кўчимлар воситасида ифодаланиш ҳолатлари ўрганилган.

Матн тузилиши, унинг қисмлари боғлиқлигини ўрганишга турлича ёндашиш мумкин. Аммо булардан энг асосийлари матн яхлитлиги таъминланишинини грамматик ҳамда мазмун моҳияти нуқтаи назаридан тавсифлашдир. Тилшуносликда бу икки ёндашувни когезия ва когерентлик терминлар воситасида аташ анъанаси мавжуд.

Равшанки, матндаги иккита элемент бир-бири билан боғланганида ўзига хос “когезия боғлами” (Cohesive tie ) ҳосил бўлади ва бу боғлам матннинг яхлитлигига таъсир кўрсатади. Лексик ва грамматик элементларнинг боғлам шаклини олиши учун улар матндаги бошқа бирликлар билан алоқага киришуви зарур. Бу турдаги боғламлар доирасида юзага келадиган когезия муносабатлари икки асосий турга ажралади: лексик когезия ва грамматик когезия.

Лексик когезия маъно ва тушунча ўртасидаги алоқадорликка таянадиган боғлиқлик бўлиб, матнда иштирок этаётган луғавий бирликлар ўртасида юзага келади. Грамматик когезия матндаги бирликларнинг ўзаро грамматик

---

<sup>15</sup> Buitkience J. Variability of Cohesive Devices across Registers // Studies about Language, 2005. vol. 7. – P. 17-20.

тобеланишига асосланади ва унинг тўртта тури фарқланади: референтлик, субституция (ўрин алмашиш), эллипсис ва боғловчи.

Биз метонимиянинг медиаматнларда лексик когезия ҳосил қилишда намоён бўладиган вазифаларини ёритишига ҳаракат қилдик. Кўзланаётган мақсад метонимнинг матнда юзага келадиган семантик муносабатлар учун когнитив асос яратиш имкониятларини аниқлашдир. Таҳлилни лексик когезиянинг икки асосий тури, яъни қайта такрорлаш ва жойлаштириш доирасида олиб боришни маъқул топдик.

Маълумки, такрор лексик когезияни бевосита воқелантирувчи воситалардан биридир. Ёзувчи–адресант калит сўз ёки иборани такрорлаш воситасида ўқувчи / тингловчининг диққатини баён қилинаётган воқеанинг муҳим жиҳатларига жалб қилишни режалаштиради. Аслини олганда, алоҳида бир сўзнинг такрорланиши матн қисмлари боғлиқлигини таъминлаш учун етарли эмас, шу сабаб матнда такрор амали одатда кенг кўламда қўлланиб, етук бир семантик занжирни ҳосил қилади. Қуйидаги матн парчасида бунинг мисолини кўрамиз:

New proposals from the Financial Services Authority on potential changes to its remuneration code which prohibit sales of shares by bankers are not as draconian as first feared, according to a leading pay consultant....

However, Terry said that the new proposals, published last week, would make it very difficult for bankers to be offered guaranteed bonuses and pointed out the FSA had introduced the world's toughest pay rules to the UK financial service (The Guardian, May 2, 2017).

Келтирилган парчада new proposals ва bankers элементларининг такрорланиши ўқувчига узатилаётган янги хабарнинг нима ҳақида эканлигини эслатиш учун хизмат қилган. Такрорланаётган шаклнинг олдинги сўз ёки ибора билан референти бир хил бўлганида ўзига хос метонимик муносабат замирида “Тушунча ўрнида шакл” концептуал тузилмаси туради ва бу ҳолатда “Шакл” мазкур матнда такрорланаётиб, “Тушунча”ни сақлаб қолади.

Метонимик муносабат қисман ёки тўлиқ намоён бўлиши ва шакл ёки тушунчанинг такрорланишидан қатъий назар, когезия боғлами юзага келаверади. Такрорланаётган лисоний birlikларнинг референти ўзгармаслиги “шакл–тушунча” боғлиқлигини мустаҳкамлайди, албатта. Лекин бу когезиянинг асосий шарти эмас, чунки лисоний birlikлар англатадиган тушунчалар ўртасидаги муқобиллик йўқолганида ҳам когезия боғлами ҳосил бўлиши кузатилади. Бунинг исботини сўзловчи шахслар бир хил такрордан қочиб, турли шаклдаги лисоний birlikларни танлашларида ҳам сезиш мумкин.

Тилшунослар синонимларнинг турли кўринишда бўлиши ва уларни ажратишда луғавий birlikларнинг тушунчавий, концептуал муқобиллигига таяниш лозимлигини доимо таъкидлаб келадилар.<sup>16</sup>

---

<sup>16</sup> Сиддикова И.А. Синонимия языка и её кодификационные основы: Автореф. дисс.докт. филоло.наук.-Т., 2012. – С.9.



Метонимик кўчимларда маълум бир луғавий бирлик бошқа референтга ишора қилса, синонимияда эса турли иборалар, бирликлар, ҳатто баъзан гаплар ягона бир референт билан боғланади. Метонимия айнан шу референт боғланишларга таянади.

Синонимия воситасида шаклландиган луғавий когезияни қуйидаги матн парчаларида кузатамиз:


These developments are a growing victory for the rule of law, since international human rights law absolutely prohibits corporal punishment of children. In this instance, the rule of law is consistent with most punishment has no real positive educational or moral effects on children. The studies instead show that physical chastiment is correlated with multiple adverse effects on children, some of which are serious and may persist into adulthood (NYT).

Мисолдаги “corporal punishment” ва “physical chastiment” иборалари синонимлар бўлиб, уларнинг референти битта ва бир хил тушунчани ифодалайди. Мақола муаллифи ягона тушунчага нисбатан икки хил шаклни қўлламоқда ва ушбу икки шаклга когезия боғланишини воқелантириш имконини бермоқда.

Синоним қатор аъзолари оддан бошқа сўз туркумларига оид бўлганида ҳам худди шу ҳолат кузатилади. Масалан:

The Trump administration supported the lawsuit in the Mazda case, and sided with the vaccine maker in that case (WP).

Мисолда “sided with” ибораси бир нечта метонимик боғланишларга эга. Дастлаб у “side with” шаклининг “у ёки бу томонга ён босиш” маъноси (тушунчаси) воқеланишида иштирок этса, кейинги навбатда, “қўллаб-қувватлаш” тушунчаси билан боғланади. Мазкур метонимик боғланишларни қуйидагича тасвирлаш мумкин (Чизма 2).



## 2-расм. Синонимик муносабатлари негизидаги метонимия.

Матнда лексик когезияни ҳосил қилувчи лисоний воситалардан яна бири антономия қаторига кирувчи бирликлардир.

Оғзаки нутқда “terrific”, “awesome” “wicked” сўзлари бирон бир аъло ёки ажойиб нарса, ҳодиса ҳақида сўз кетганда қўлланиши мумкин. Бундай қўлланиш сўзларнинг асл маъносига хос эканлиги маълум. Албатта, ахборотни аниқ ва тушунарли оҳангда етказишга мўлжалланган ОАВ

матнларида бу қабилдаги маъно зиддиятига йўл қўйиш таъқиқланади. Аммо табиий тил тизимида мавжуд бўлган инкорнинг тасдиқ ёки ижобий баҳо ифодасидаги иштироки билан боғлиқ бўлган ҳодиса матбуот тилига ҳам сингиб бормоқда. Жумладан, “could not have done better” иборасининг ижобий маънода қўлланиши қоидага айланиб улгурган. Қуйидаги гапларни қиёслайлик:

(1) But the timing could not have been better (NYT);

(2) The rest of Wednesday’s session in Federal District Court in Manhattan could not have stood in sharper contrast (NYT);

(3) Calhoun knew Oriakhi was not alone in his feeling (NYT).

Ушбу гапларнинг биринчисида аслида “маъқул ёки мос келмаслик” маъносига эга бўлган “could not have been better” ибораси бирон ишни бажаришнинг имкони чегараланганлигини ифодаласа, иккинчи мисолда эса мухбир кечаётган воқеа ҳақида ўз фикрини маълум қилмоқда. Охирги гапда “was not alone” бирикмаси бошқаларнинг ҳиссиётлари Ориахиникига мос эканлиги билдирилмоқда.

Метонимик кўчим феъл туркумидаги сўзларга ҳам хос эканлигини қуйидаги мисолда кузатамиз:

Police rounded up at least 1.200 protesters in New Delhi and more than 3.000 in Mumbai, but many were later released, wire services reported (WP, August 16, 2020).

Ушбу хабар парчасида “rounded up” бирлиги “олдинги воқеа натижаси ўрнида” концептуал моделидаги метонимик кўчимга учраб, “ҳибсга олинди” маъносини англатмоқда. Ушбу маъно эса “release” феълнинг маъносига зиддир.

Шундай қилиб, антоним ёки қарама-қарши тушунчалар ягона бир концептуал майдон доирасида ўзаро муносабатга киришиб, улардан бири референт нуктаси ролини ўтайди ҳамда бошқаси билан мантиқан боғланади. Таҳлил натижалари кўрсатишича, ягона концептуал майдон ҳудудидаги тушунчалар когезия боғламларни шакллантирувчи омилга айланадилар.

Инглиз тилидаги газета хабарлари матнида таянч бирликнинг гипонимга ишора қилиши тез-тез учраб турадиган ҳолдир. Қиёсланг:

A federal regulation that allows automakers to choose what kind of seat belts to install in minivans does not protect the companies from being sued if they pick one that is less safe, the Supreme Court ruled Wednesday (WP).

Хуллас, гипоним ва таянч бирлик англатадиган тушунчалар “қисм-яхлит” муносабатида бўлиб, гипоним ишора қилаётган тушунча таянч бирликнинг тегишли тушунча доирасига алоҳида қисм сифатида киради. Гипонимлар воситасида ҳосил бўладиган когезия икки кўринишга эга. Биринчисида когезия боғлами гипоним ва таянч бирлик англатаётган тушунчалар бир-бирини қамраб олади. Таянч бирлик ишлатилаётган пайтда гипоним назарда тугилади, чунки биринчисининг хусусиятлари иккинчисига кўчади. Иккинчидан, гипоним ва унинг таянч манбасининг “қисм ва яхлит” метонимик муносабатида бўлиши уларнинг ўрин алмашишига имкон беради.

Натижада, маълум матн парчасида гипоним ва таянч бирлик алоҳида бир тушунчани ифодалаётиб, когезия боғлами ҳосил бўлишига ҳисса қўшади.

Олиб борилган таҳлиллар метонимик тафаккурнинг бевосита воқелик ва оламнинг концептуал манзарасининг лисоний тасвирида муҳим вазифа бажаришидан гувоҳлик беради. Айнан шу концептуал-лисоний фаолият турли-туман тушунчаларни акс эттирувчи тил бирликлари танловини шартлайди. Ягона бир референт ва тушунчага ишора қилувчи лисоний воситаларнинг қўлланиши матн мазмунини бойитиш билан бир қаторда, ўқувчи диққатини жалб қилишга асос яратади. Бошқа томондан, лисоний бирликларнинг оқилона такрори матннинг формал шаклланиш воситасига айланади.

Матн таркибида лексик когезия луғавий бирликларнинг ассоциатив алоқалари замирида ҳам юзага келади. Ж. Тейлор метонимия ҳодисасининг моҳиятини “маълум бир концептуал структурада ёнма-ён турадиган бирликларни ўзаро боғланишида” кўради.<sup>17</sup> Ягона концептуал маънони ташкил қилувчи бирликларнинг боғламларни ҳосил қилиш эҳтимоли эса анча юқоридир. Ўзбек олимаси Д. Лутфуллаеванинг таърифича, “вербал ассоциациялар матнни ҳосил қилувчи, уни семантик-синтактик жиҳатдан шакллантирувчи, таянч бирликлар вазифасини ўтайди”.<sup>18</sup>

Таҳлиллар гувоҳлик беришича, метонимиянинг “шакл – тушунча” боғламидаги модели лексик когезиянинг барча турларида устуворлик қилади. Аммо бу ҳолат формал боғланишнинг концептуал боғланишдан айри юзага келиши мумкинлиги ҳақидаги ғайримантиқий хулосага олиб келмаслиги шарт. Матндаги грамматик боғланишлар асосан референт алоқаси, алмаштириш, эллипсис кўринишларга эга бўлади.

Метонимия ҳодисасининг табиати ҳақидаги фикрлар турли-туман бўлишига қарамасдан, тадқиқотчилар унинг асосий вазифаси референция, яъни бирор нарса-ҳодисага ишора қилиш, уни эслатиш эканлигини таъкидлашда яқдилдирлар.<sup>19</sup> Дарҳақиқат, инсонлар, нарсалар, воқеа-ҳодисаларга ишора қилиш матннинг, шу жумладан, медиаматнлар мазмуний таркиб топишининг муҳим омилидир.

Хабар мазмунидаги матнларда биринчи ва учинчи шахс кишилик олмошлари кўпинча кўчирма нутқда учрайди. Улар, шунингдек, грамматик когезия шаклланишига иштирок этади, зеро ўқувчилар сўзловчи (нутқ муаллифи) ким эканлигини билишга интиладилар. Қиёсланг:

But Representative Mike Goffman, Republican of Colorado, who is one of the Armed Service Committee, said: “I don’t have any fascination with looking at gunshot wounds to face” (NYT).

<sup>17</sup> Taylor J.P. Linguistic Categorization: Prototypes in Linguistic Theory. - Oxford: Oxford University Press, 1995. - P.-123.

<sup>18</sup> Лутфуллаева Д.Э. Ассоциатив тилшунослик назарияси. - Т.: Mervus, 2017. –Б. -140.

<sup>19</sup> Lakoff G. Women, Fire and Dangerous Things. -Chicago: The University of Chicago Press, 1987. Gibbs R. Figurative thought and language // Handbook of psycholinguistics. - San Diego: Academic Press, 1994. –P.-411. Nunberg G. Transfer of meanings // Journal of Semantics, 1995.vol.12. –P.109. Warren B. An alternative account of the interpretation of referential metonymy and metaphor//Metaphor and Metonymy in Comparison and Contrast. - Berlin: Mouton de Gruyter, 2002. - P. -113.

Кўринадики, биринчи шахс кишилик олмоши “I” ва “Mike Goffman” атоқли оти ягона референтга эга.

The Central Intelligence agency is allowing members of the House and Senate Intelligence and Armed Services Committees to see photographs of Osama bin Laden’s corpse, a C.L.A. spokes man said Wednesday. Lawmakers will view the photos in a source room at the agency’s headquarters in Langley. Va., and cannot take copies of the photos with them (NYT).

Бу ерда икки марта қўлланаётган *the photos* элементи “*photographs of Osama bin Laden’s corps*” тузилмаси билан референт боғлиқликка эга ва шунга биноан бир хил тушунчани воқелантирмоқда. Шунингдек, *the photos* тўлиқ шаклнинг ўрнини босиш қобилиятига эга. Ушбу хилдаги бевосита анафора воситасида юзага келадиган метонимик когезиянинг пойдеворида ифодаланаётган тушунча умумийлиги туради.

Шунга ўхшаш яна иккита ҳолатни таҳлил қилиб кўрамиз:

“The United States military has zero tolerance policy for sexual assault, and we will hold the perpetrators appropriately accountable”, he said (CNN);

The crime reports say that one reason for the Yard’s failure is that, when the Yard tried to stop corruption, saving officers tipped them off so they could evade detection (The Guardian).

Хуллас, “шакл шакл ўрнида” ва “тушунча тушунча ўрнида” моделлари кўламида ҳосил бўладиган метонимия боғламлари матн когезиясини шакллантирувчи воситалардандир. Формал жиҳатдан қараганда, анафора ва унинг анцеденти олмош ёки от ёрдамида ифодаланишидан қайтий назар, лисоний шакллар қаторига киради. Концептуал жиҳатдан, эса, ушбу, шакллар ягона бир тушунчани воқелантиради.

Биринчи ҳолатда “the perpetrators” бирлиги “the perpetrators of sexual assault in the U.S. military” тузилмасига ишора қилмоқда, чунки жинсий зўровонлик билан боғлиқ жиноят олдин эслатилган эди. Бизнинг олам ҳақидаги билимимиз жиноят қонунни бузувчилар томонидан содир қилиниши ҳақида маълумот беради. Худди шу аснода, кейинги парчадаги “them” ва “they” бирликларининг анцеденти тағмаъноли ифодаланган: “(people involved) in corruption”.

Тил соҳиблари одатда олдин қўлланган тўлиқ таркибли тузилма ўрнига бошқа кўринишдаги вариантни маъқул кўрадилар. Бир элемент ўрнига бошқасининг қўлланиши оддий такрорнинг олдини олиш билан бир қаторда, матн қисмлари ўртасидаги шаклий боғлиқликни таъминлайди.

They way avert a future debit crisis, but, but won’t solve this one (NYT);

“I think this is part of a longer-term trend”, said Peter Lang, a political scientist at Chicago University. “Over the last five or six years, this administration has become much more sensitive about social stability than the previous one. Some measures might be temporary, but most of them will be long term” (WSJ).

Мисолларнинг биринчисида “one” “debt crisis” элементи ўрнида қўлланмоқда, бироқ “a future debt crisis” тузилмаси ҳар қандай қарздорлик ҳолатини англатади, мазкур контекстда эса “one” бирлигининг қўлланишида “маълум бир қарздорлик” назарга тутилмоқда.

Кейинги мисолда “administration” ўрнини олаётган “one” элементининг референти бир хил эмас. Аниқроқ айтганда, “administration” бирлигининг референти ҳозирги АҚШ ҳукумати, “one” бирлиги эса эски ҳукуматни англатмоқда. Демак, субституция усули қўлланишида метонимик муносабат асосан “шакл шакл ўрнида” қолипида кечади. Субститут ва антецедентнинг бир хил концептуал асосга эга бўлиши ҳолати фақат айрим контекстлардагина кузатилади.

Метонимик когезиянинг яна бир грамматик воситаларидан бўлган эллипсис ҳодисаси нутқий тузилмани тўлиқ такрорлашдан сақланиш ҳаракати намунасидир. Эллипсис “айтилмасдан қолган фикр” бўлиб, бироқ ушбу фикр тағмаънода имплицит тарзда англашинилади. Худди субституцияда бўлганидек, эллипсис ҳам уч турга бўлинади: от эллипсиси, феъл эллипсиси ва гап эллипсиси.

Диссертациянинг **“Яхлит – қисм” ва “сабаб – оқибат муносабатдаги метонимларнинг матнда воқеланиши”** деб номланган учинчи бобда воқеликдаги нарса-ҳодисалар ўртасида мавжуд бўлган турли мантиқий муносабатларнинг дискурсив фаолиятда акс топиши билан боғлиқ ҳолатлар ёритилиб, уларнинг метонимик кўчимларни ҳосил қилиш имкониятлари ўрганилган.

Метонимик кўчим учун манба хизматини ўтаётган объект яхлитнинг қисми бўлганида мўлжалдаги объект яхлитнинг ўзи ёки унинг бошқа бир қисми бўлиши мумкин. Яхлит, шунингдек, манба хизматини ҳам ўташи эҳтимолдан йироқ эмас. Шу аснода, “яхлит – қисм” шаклдаги метонимия уч кўринишга эгадир: “қисм яхлит ўрнида”, “яхлит қисм ўрнида” ва “қисм қисм ўрнида”.

Биринчи, яъни “қисм яхлит ўрнида” қолипидаги метонимларни услубшунослар кўпинча “синекдоха” деб атайдилар.

Қуйидаги мисолларни қиёслаймиз:

A look the past few summers reveals how tough the economic (and political) sledding has been for Trump (WP);

Young people and families with children are increasingly facing homelessness, according to a study, which says rising numbers of people: are finding themselves without a roof over their head (The Guardian).

Юқоридаги мисоллардан бирида ишлатилган the past few summers иборасининг референти the past few years эканлиги кўриниб турибди. Мақола ёз пайтида ёзилганлиги учун муаллифнинг наздида summer “ёз” year “йил”га нисбатан вазиятга мосдир.

Кейинги гапда house атамаси ўрнига уйнинг ажралмас бўлаги бўлган roof “том” маъқул топилишига бироз олдинроқ эслатилган homeless тушунчаси туртки бермоқда.

Концептуаллашув шароитида маълум бир элемент яхлит билан ёнма–ён туради. Шу боис биз бирор бир қисмни атаётиб, яхлитни назарда тутамиз, жумладан, фасл бутун бир йилнинг ўрнини олади, том эса бинонинг, юз шахсининг ўрнини босади ва ҳоказо. Яна бир қарра эслатиш жоизки, бундай ҳолатларда қисм ва яхлит ўртасидаги муносабат кўчма маънода

англашинилади. Биз қисмни эслатаётиб, объектни яхлит ҳолда тасаввур қиламиз.

Инглиз тили грамматикасига оид адабиётларда отнинг аниқловчи вазифасида келиши доимо эслатилиб турилади (the bus station – the large station) аммо от сифат туркумидаги сўзларга хос вазифаларни тўлиқ бажара олмайди. Масалан, биз the station seems large предикатив бирикмасини ҳосил қила олишимиз мумкин бўлган бир пайтда, the station sees bus қабилидаги тузилма ножўя эшитилади.<sup>20</sup> Қуйида отларнинг аниқловчи вазифасини бажаришини намоён қилувчи айрим мисолларни келтирамиз:

She concurred with the Mazda decision Wednesday but wrote separately to “emphasize the court’s rejection of an over reading of gayer that has developed since that opinion was issued” (WP);

Since the March 11 disaster, which has caused energy shortages in Japan and will necessitate billions of dollars’ worth of government spending on reconstruction, the you had hovered until this week in the low sos against the dollar (WP).

Юқоридаги парчаларда *the Mazda decision* иборасининг референти “Мазда компаниясига қарши суднинг қарори” тушунчаси бўлса, “Gier эса суднинг Гиер компаниясига қарши қарори” ўрнида келмоқда. Бу ерда кечган ҳодиса қатнашчиси яхлит ҳодиса ўрнида эслатилмоқда. Кейинги ҳолатларда March 11 disaster бирикмасининг референти ўн биринчи мартда содир бўлган фалокат (the disaster happened on March 11) бўлса, the Cairo agreement бирикмаси, ўз навбатида, “Қоҳирада имзоланган шартнома”ни англатмоқда. Кўринадики, ушбу ҳолатларда кечган ҳодисанинг бирон бир қисми (санаси, иштирокчиси, макони) метономик кўчим жараёнининг етакчиси ролини бажармоқда.

Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган хабарларда репортерлар ҳодиса қатнашчилари номини эслатишни истамаганларида (ёки бунга ижозат бўлмаганида) кўпинча уларни бошқача йўллар билан атайдилар:

“We’re not there yet, we don’t have the votes yet. But today is the day” Boehner had told members at a morning meeting, according to a GOP source who was not authorized to publicly discuss the private conversation (NYT).

Мисолдаги а GOP source ахборот бераётган шахсни аташ учун ишлатилган.

“Қисм яхлит ўрнида” моделидаги метонимларнинг хусусиятларидан яна бири концептуал майдон аъзоларидан бири бутун бир майдонни ифодалаш мумкинлигида намоён бўлади: Қиёсланг:

“I’m not going to drop the F–bomb like Melissa did”, the British actor said in his thank – you. “I have done that plenty” (WP).

Одатда ташаккурни билдирувчи thank you ибораси келтирилган медиа контекстда мусобақа ғолибининг мукофот олганидан сўнгги нутқини ифодаламоқда.

---

<sup>20</sup> Quirk R. et al. A Comprehensive Grammar of the English Language. - London: Longman, 1995. –P. 21-30.

Юқорида эслатилган ҳолатларнинг барчасида метонимик кўчим “яхлит ўрнида қисм” моделига эга. Энди яхлитнинг қисм ўрнида қўлланиши асосида юзага келадиган метонимларнинг медиаматнда фаоллашуви масаласига тўхталамиз.

Ушбу қолипдаги метонимик кўчим ОАВ матнларида кўп миқдорда фаоллашиб туради: The final in the race the rooker driver Vitaly Petrov, in a Renault passed Schumacher before on the final lap Felip Massa, Schumacher’s former teammate at Ferrare, passed him and pushed him into 10 th position, where he finished the race (NYT);

The most active stock in the sector was Exxon Mobil, which up more than 1 percent during the day (NYT).

Юқоридаги мисоллардан бирида Renault сўзи автомобил ишлаб чиқарувчи компанияга таалуқли бўлмасдан, балки шу русумдаги автомобиллардан бирини билдирмоқда, иккинчисида эса, Exxon Mobil шу номдаги компаниянинг акциясини англатмоқда.

ОАВ мақолаларининг мавзуси аборт, солиқ, уруш ва бошқа ҳиссиётли ҳодисалар билан боғлиқ бўлганида эвфемизм ибораларига кенг миқёсда мурожаат қилинади. Ушбу турдаги мақолаларнинг қоғоз ва электрон вариантлари янги эвфемизмлар манбасидир. Эвфемизмлар пайдо бўлишининг сабаблари турлича. Улар кўпинча тингловчи ҳиссиётини маромида сақлаш учун хизмат қилади. Масалан, матбуот тилида poor students ибораси ўрнига underachiever, old people ўрнига seniors, sex ўрнига gender кабиларни ишлатиш, wife-beating, handicapped, corpse тушунчаларини domestic violent, physically challenged, remains кабилар билан алмаштириш одат тусига кирган. Бундан ташқари, референтни ифодаловчи воситаларни танлаш ижтимоий муҳит билан ҳам боғлиқ. Бинобарин, исёнчилар ўзларини озодлик курашчилари деб ҳисобласалар-да, бошқалар учун террорчи бўлиб қолаверади.

Яхлит ва қисм муносабати доирасида ҳосил бўладиган метонимларнинг учинчи тури “қисм бошқа қисм ўрнида” моделига эга. Масалан, Fukushima changed everything тузилмасида Fukushima номли минтақада юз берган атом станциясидаги фалокат назарга тутилмоқда. Бу ерда воқеа макони шу жойда содир бўлган фалокатни ифодалаш учун қўлланилмоқда.

Шундай қилиб яхлит – қисм муносабатидаги метонимларнинг матндаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: а) улар муштарийларга мўлжалдаги мазмунни етказишнинг самарали ҳамда тежамкор усулини тақдим этади ҳамда референтни тасаввур қилишга имкон яратади; б) муқобил воситанинг тенгланиши матн муаллифининг мақсадини амалга оширишга туртки берувчи концептуал ҳаракатларни ойдинлаштиради. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, когнитивистларнинг метономия алоҳида ибораларга хос бўлмасдан, балки умумий тамойилларни акс эттириши ҳақидаги фикрини тасдиқлайди. Ниҳоят, метономик воситалардан фойдаланиш матн тузилишда кераксиз такрордан қочиш ҳамда концептуал яхлитлик, қисмлар ўртасидаги боғлиқликни таъминлайди.

Узатилаётган хабарлар субъектларини, улар шахслар, мамлакатлар ёки муассасалар бўлишидан қаътий назар, эслатиш матн тузилишининг асосий шартларидандир. Масалан, инглиз мулоқот маданиятида инсонларнинг исми-шарифини тўлиқ айтиш қабул қилинган: George W. Bush. Сўз таниқли шахс ҳақида кетаётганида эса, фақат фамилияни эслатиш ўқувчи учун етарли бўлади. Жумладан, Обама калимаси АҚШнинг собиқ президенти Barack Обамани дарҳол ёдга келтиради.

Айни пайтда, нотаниш шахсларнинг фамилиялари матнда учраса сўз ким ҳақида бораётганини тасаввур қилиш мушкуллашади:

State Senator Jamie Eldridge, a Democrat whose district includes Devens, said he was initially excited for Evergreen to come to his district but even before the announced loss of 800 jobs, he had come to oppose such large corporate assistance (NYT).

Келтирилган парча Jamie Eldridge номининг эслатилиши уни танийдиган учун тушунарли бўлиш мумкин, бироқ хабарни ўқийдиган оммага ушбу шахснинг кимлигини маълум қилиш учун унинг ҳақида батафсил маълумот бериш талаб қилинади. Шу боис, мухбир субъектнинг ижтимоий мақомини (state senator) ва қайси сиёсий партия вакили эканлигини (Democrat) ҳамда унга қарашли ҳудуд (whose district includes Devens) маълум қилмоқда. Натижада, ҳатто Jamie Elbridge номи кимга тегишли эканлиги ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган ўқувчи мақоланинг асосий мундарижаси ва субъект ўртасидаги боғлиқликни фаҳмлаш имконига эга бўлади.

Тадқиқотчиларнинг кузатишича, метонимнинг референтли қўлланиши орқали коммуникатив самарага тежамкорона эришилади ва бу изоҳли тавсифлар самарасига ўхшайди. Қўлланиладиган аниқловчилар сони қанчалик кўп бўлса, референтга ишора имкони шунчалик кенгайди. Масалан буни the tall, man ва the tall strong man wear in a brown hat and carrying an umbrella тузилмалари қиёсида кўришимиз мумкин.<sup>21</sup>

Шунинг билан биргаликда, бирон бир матн воқеа, нарса – ҳодисалар ҳақидаги барча маълумотларни ўқувчига батамом тўлиқ ҳолда етказмаса керак. Бундан ташқари, ҳаддан ортиқ ахборот бир пайтнинг ўзида етказилаётганида тавсифни кўполлаштиришини унутмаслик лозим. Шу сабаб, ахборот баёнида танлов қоидаларига амал қилиш талаб қилинади. Ҳар қандай ахборот бўлаги мақсадга мувофиқ равишда танланади ва бунда асосий мақсад тингловчини мўлжалдаги маъно сари етаклашдир. Ахборот танлови тамойили метонимик восита танловига олиб келади. Қиёсланг:

A growing number of celebrities are also opposed, including Chris Tarrant and James and Oliver Phelps, who played the Weasley twins in Harry Potter, while the Ramblers Association, the Campaign for the Protection of Rural England, the woodland Trust, the RSPB, and the Wildlife Trusts have expressed reservations (The Observer, September 18, 2019).

---

<sup>21</sup> Ruiz de Mendoza I. The role of mappings and domains in understanding metonymy // Metaphor and Metonymy at the Crossroads: A Cognitive Perspective. - Berlin: Mouton de Gruyter, 2000. -P. 109-132.



Матн парчасидаги the ramblers Association, the Campaign for the Protection of Rural England, the Woodland Trust, the RSPB ва Wildlife Trust метонимик бирикмалари ушбу ташкилотлар вакиллари ифодалаш учун хизмат қилмоқда. Контекстдан маълум бўлишича, Chris Tarrant ҳамда James and Oliver Phelps номли кишилар машҳур шахслардир. Улардан биринчиси барчага таниш “Ким миллионер бўлишни истайди” телешоунинг эгаси ва шунинг учун кўпчиллик британияликлар хабарни ўқиётди, ушбу номнинг кимга тегишли эканлигини билишга қийналмайди. Жемс ва Оливер Фелрслар эса машҳур актёрлардир ва ўқувчилар улар иштирокидаги сахналарни яхши эслайдилар.

Шундай қилиб, нотаниш номларга мурожаат қилиш орқали метонимик кўчим юзага келишининг сабаби концептуал майдоннинг бирон бир алоҳида қисми орқали маълум бир шахснинг узатилаётган ахборот учун муҳимлиги таъкидланади.

Шахс ёки воқеалар каби объектлар тавсифида яхлит унинг қисмлари орқали фаоллашади. Қиёсланг:

Redgrave was a complex man—bisexual, alcoholic, demon – driven – and his story, which concerns the disappearance of a famous Austrian actor, Joseph Charles, explores in nightmarish fashion the age-old question of the true identity of actors; Do they, in fact, have one? (WSJ).

Парчада Редгрейв (Redgrave) даставвал “a complex man” сифатида баҳоланмоқда, кейинчалик яна учта сифат қаторини кузатамиз: bisexual, alcoholic, demon-driven. Ушбу сифатлар Редгрейвнинг қанчалик мураккаб шахс эканлигидан гувоҳлик бермоқда. Бизнингча, bisexual, alcoholic, demon – driven аниқловчиларининг complex тушунчаси билан ассоциатив алоқада эканлиги яққол намоён бўлмоқда. Умумий категория ва субкатегориялар ўртасидаги муносабатни метонимик тасаввур қилиш қийин эмас, чунки бу ерда “яхлит ўринда қисм” метонимик кўчими воқеланади.

Кундалик лисоний фаолият жараёнида ягона билим доирасида бирлашадиган тушунчалар ўзаро алоқага киришади. Оқибатда, нарратив тузилмаларда вазиятнинг алоҳида қисмлари кузатилаётган яхлит вазиятнинг ўрнини эгаллаши мумкин. Бунинг натижасида воқелик ҳақида ҳикоя қилувчи шахс алоҳида ҳодисаларнинг хронологик ва сабаб – оқибат муносабатидаги кетма-кетлигида ошкора ифодаламасдан, ундан қолган яхлит ҳақида тасаввур уйғотиш учун фойдаланади. Масалан:

The sun is up, first rays streaming through the canopy, and the two hunters pause to inspect tracks—big, dusty in prints with five toes—on the forest floor. They move on, boots crunching twigs as they climb a ridge (The Guardian).

Анъанага биноан, иккита объект замон ва маконда ёнма-ён турса, сабаб-оқибат муносабати юзага келади, деб ҳисобланади. Иккита кетма-кет ҳодисанинг сабаб тамойили асосида боғланиши диалектика қонуниятидир. Айни пайтда, ўзаро боғлиқ ҳодисалар кичикроқ ҳодисалардан иборат занжирларни ҳосил қилиши мумкин. Бундай занжирда бир ҳодиса олдингисининг оқибати бўлиш билан бир қаторда, кейингисига сабаб

туғдиради.<sup>22</sup> Бу хилдаги кетма-кетлик муносабати улардан бирининг бошқаси учун метономик кўчим асоси бўлиб хизмат қилишига туртки беради.

Маълум бир ҳолат ва олдинги ҳамда кейинги ҳодисалар ўртасида бир хилда каузал алоқа мавжуд бўлиши мумкин. Шунингдек, кечаётган жараён ва унинг мақсади, шарт-шароитлари, унинг натижаси ўртасида турлича метонимик муносабатлар шаклланади. Ушбу метонимик муносабатлар иккита катта гуруҳга тақсимланади: “сабаб оқибат ўрнида” ҳамда “оқибат сабаб ўрнида” қолипидаги метонимик кўчимлар.

Бу турдаги метонимлар, одатда, аниқловчили (от + от; сифат + от) тузилмаларида фаоллашади. Қиёсланг:

In difficult talks yesterday with the Treasury chief secretary, Danny Alexander, Clark pointed out he had last year won Treasury agreement that if government's so – called rehabilitation did not deliver a lower jail population, then the Treasury would bear the costs from the reserve (The Guardian, June 8, 2019);

Мисолдаги talks “қисм яхлит ўрнида” моделидаги метоним бўлиб, у “конференция” тушунчасини ифодалаш учун қўлланган. Ушбу ҳолатда иккиламчи метономик кўчим юзага келган: сўз муҳокаманинг қийинлиги ҳақида эмас, балки фикрлар турли-туманлиги туфайли келишувга эришишнинг қийин кечганлиги ҳақида бермоқда. Демак, difficult talks фикрлар ва хулосаларнинг катта фарқига ишора қилмоқда.

Қайд этилган ҳолатларда оқибат ва унинг сабаби ўртасидаги метонимик муносабат фаоллашган.

Турли ҳатти-ҳаракатлар сабабли юзага келадиган воқеалар ОАВлар муштарийларининг диққатини жалб қилади. Зеро, оқибат сабабга нисбатан кўпроқ метонимик кўчим восита вазифасини ўтайди. Қиёсланг:

Business group are hoping for big changes (WSJ, May 7, 2019).

Ушбу контекстда big changes иборасининг пайдо бўлиши ўзгаришларга олиб келадиган иқтисодий сиёсатга ишора қилмоқда. Бизнес гуруҳи ҳукумат ҳозирги вазиятни ўзгартириш учун самарадор сиёсий йўлни танлашини хоҳлайди.

Келтирилган матн парчаларида to clear, to up, to distance, to silence феълларининг ясалиши асосида сабаб – оқибат метонимик кўчим жараёни туради. Бу турдаги метонимларда натижавий ҳолат ёки оқибат ҳаракатни ифодалайди. Шу йўсинда, от, сифат ёки равишларнинг феъл вазифасида қўлланиши таъминланади. Ҳаракатлар, одатда, маълум мақсадда ёки мўлжалдаги натижага эришиш учун бажарилади. Натижага қараб субъект мақсадли ҳаракат бажарганини тушуниш мумкин. Лекин ҳаракатнинг натижасида юзага келадиган ҳолат бир хил бўлавермайди.

Эмоция ва маълум руҳий жавоб ўртасидаги сабаб–оқибат муносабати ҳис–ҳаяжон концептуал майдонига киради.

Қиёсланг:

On the to work recently I was nearly brought to tears by the sight of the front garden of a large Victorian house ruined by a slathering of rough asphalt, devoid of

---

<sup>22</sup> Fauconnier G., Turner M. The way we think: Conceptual Blending. New York: Basic Books, 2002. –49 p.

life, where once there had been an overgrown but beautiful front garden (The Guardian, June 8m 2019).

Кўз ёши одатда тушкунлик рамзи (баъзан хурсандлик ҳам кўз ёшига сабаб бўлади). Кўз ёши тўкиш тушкунликни ифодадаш учун хизмат қилади, яъни тушкунлик бу ерда сабабдир.

Шундай қилиб, яхлит – қисм ва сабаб – оқибат муносабатидаги метонимларнинг референтли ва референтсиз қўлланишида маълум фарқлар мавжуд. Метоним тилдан кундалик фойдаланиш жараёнида етакчилик қилиши ва тафаккур фаолиятини измга солиши боис, турли моделдаги метонимлар ўзаро уйғунликда фаоллашади. Жумладан, сабаб – оқибат муносабати кўпинча яхлит – қисм муносабати билан чатишиб кетади. Масалан:

US credit card films want to get more plastic into world wallets (WP) мисолида метонимларнинг референтли қўлланишининг иккита ҳолатини учратамиз: plastic бирлигининг референти credit card бўлиб, ушбу метонимик кўчим “материал маҳсулот ўрнида” қолипда юзага келган; иккинчи ҳолатда world wallets бирикмасининг референти “мижозлар” (clients) тушунчаси бўлиб, сотиб олинган нарса учун пул тўлаётганда ҳамёнини кавлаштиришини ёқтирадиган мижозларга ишора қилмоқда.

Ташқи оламда кечаётган воқеа–ҳодисалар моҳиятини тушунишга интилиш кишиларни сабаб ва оқибатни яхлитлаштиришга ундайди. Худди шунингдек, сабаб ва оқибатнинг ўзаро яқинлиги тафаккур жараёнида уларнинг бири ўрнига иккинчиси кўчишини таъминлайди. Бунинг натижасида, яхлит – қисм ва сабаб – оқибат муносабатлари бир хилда метонимик кўчимлар учун шароит яратади. Шу боис, медиахабарлар матнида оқибат кўпроқ метонимик кўчим воситаси ролини ўтайди.

Маълум вақт оралиғида ҳодисаларнинг бирин-кетин содир бўлиши улар ўртасида сабаб – оқибат боғланишини юзага келтиради ва кетма-кетликка ишора қилувчи коннекторлар сабабни изоҳлаш вазифасини бажаради. Сабаб тамойилига биноан олдинроқ содир бўлган ҳаракат ёки ҳолат одатда кейингиси учун сабаб ҳозирлайди. Бошқача айтсак, олдинги воқеа сабаб сифатида талқин қилинса, кейингиси эса оқибатдир. Буни, масалан, after, in the wake of предлоғлари воситасида фаоллашадиган ибораларда кузатамиз:

Tillman died last Sunday after a random attack at a house party (WP);

Биринчи гапда after воситасида киритилаётган тузилма пропозиция асосида турган воқеанинг вақти ва сабабига ишора қилмоқда. Ушбу темпорал тузилма Тиллманнинг уйдаги маросим пайтида тўсатдан қилинган ҳужум натижасида ҳалок бўлганлигидан хабар беради. Шунинг учун гапни “a random attack at a house party caused Tillman’s death” кўринишида ўзгартириш мумкин.

Сабабнинг оқибатга олиб келиши табиат қонунларидан биридир ва шу боис сабаб–оқибат муносабати медиаматн тузилишида муҳим ўринни эгаллайди.

Оламда сабаб оқибатга олиб келиши кузатилади, лекин узлуксизликнинг лисоний воқеланиши шароитида сабабни ифодаловчи

тузилма оқибат ифодасидан олдин туриши шарт эмас. Сабабга ишора қилувчи гап олдинги ва кейинги ўринни бир хилда эгаллай олади. Қайси қисмнинг олд ўринда туриши воқеанинг кечишига ёки мухбир нимани таъкидлашни режалаштиришига боғлиқ. Жумладан, қуйидаги парчаларда сабаб оқибатдан олдин эслатилмоқда:

In the second blast, a farm tractor struck a mine in Gamser district, killing one civilian and wounding four others who were riding the vehicle, Sherzai said (WP).

Медиамаатнларда оқибат кўпинча сабабдан олдин эслатилиш услуб талабига айланган. Зотан, мухбирлар аввал қандай ҳодиса рўй берганини маълум қилиб, кейин унинг сабаби ҳақида маълумот беришга одатланганлар. Муштарийлар учун ҳам содир бўлган воқеа тафсилотини билиш муҳимроқ кўринади. Шу боис, ижтимоий-сиёсий ҳаётда кечаётган воқеалар ҳақидаги дастлабки маълумот уларнинг оқибатидан олдинроқ эслатилади.

Айтиш жоизки, бирор бир оқибат бир нечта сабаб билан боғлиқ бўлиши мумкин. Аммо матнда одатда ушбу сабаблардан фақат бири, яъни энг аҳамиятлиси кўрсатилади. Шунингдек, сабаб ва оқибат бир пайтнинг ўзида матнда эслатилиши ҳам шарт эмас. Уларнинг бири-иккинчисини тақозо қилиши тамойили сўзловчиларга фақат биттасини эслатиш орқали иккинчисини тағмаъноли ифодалаш имконини беради. Маълумки, билим структуралари моҳиятан метонимик табиатга эга ва шу боис тингловчи ёки ўқувчи метонимик фикрлаш асосида матн қисмлари ва яхлит матн ўртасидаги боғлиқликларни ҳис эта олади ҳамда сабаб–оқибат муносабатини ботиндан тиклайди.<sup>23</sup>

Метонимия ягона бир нутқий тузилма таркибида турли босқичларда намоён бўлиш имкониятига эга. Матн тузилишида сабаб–оқибат муносабати яхлит – қисм муносабати билан уйғунлашади. Биргина сабаб бир нечта оқибатга олиб келиши мумкин. Матнда сабаб ва оқибатлардан қайси бирини фаоллаштириш яхлитнинг қайси қисмини танлаш билан боғлиқдир.

## ХУЛОСА

Ушбу тадқиқотда кўзланган асосий мақсад метонимиянинг моҳияти фақат бадий матнда стилистик фигура хизматини ўташи билан чекланиб қолмасдан, балки унинг ҳар қандай турдаги матнда учрайдиган ва нутқий тузилмаларнинг когнитив–дискурсив тузилишини таъминлайдиган ҳодиса эканлигини исботлашдан иборат эди. Шу йўналишда олиб борилган таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларга эришилди.

1. Медиамаатнлар таркибида когезия боғланишларини шакллантиришда метонимиянинг роли алоҳида. Когезияни таъминлаш вазифасини ўтайдиган birlikларни метонимик табиати иккита аллоҳида луғавий birlikнинг шаклан ўхшашлиги, ягона бир тушунчани ифодалаш ва ифодаланаётган тушунчаларнинг умумий концептуал майдон доирасида бирикуви билан белгиланади.

---

<sup>23</sup> Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика. Введение в когнитивную семантику. -Тамбов: Издательский дом ТГУ 62014. – 236 с.

2. Шакл – тушунча муносабатида ҳосил бўладиган метонимик кўчимнинг бир тури луғавий такрор бўлиб, ушбу ҳодиса икки кўринишда фаоллашади. Шакл ва тушунча муносабати тўлиқ такрорланганида лисоний бирлик тушунчанинг олдинги ҳолатига ишора қилади ва манба ҳамда метономик ҳосила ўртасидаги когезия алоқаси мустаҳкамланади. Такрорланаётган шакл бошқа референтга ишора қилаётганида ҳам когезия боғлами ҳосил бўлиши кузатилади.

3. Синонимик жуфтликлар ягона бир тушунчани ифодалаши боис, когезия боғламларини шакллантиради. Антонимлар эса алоҳида бир концептуал майдон доирасида ўзаро қарама-қарши турадиган тушунчаларга ишора қилади. Бундай муносабатдаги тушунчалардан бири бошқаси билан алоқада бўлган референт сифатида қўлланилганида когезияни шакллантириш имконияти вужудга келади.

4. Гипоним ва меронимлар ишора қиладиган тушунча асосий бўлак ифодалайдиган тушунчанинг бир қисмидир. Шу боис, улар ифодалайдиган когезия боғлами яхлит – қисм муносабатида шаклланади ва бунда улардан бири иккинчисининг ўрнини босади. Шу тарзда маълум контекстларда гипоним ва асосий бўлак ягона бир тушунчани ифодалаётиб, матн когезиясини таъминлайди.

5. Маълум бир контекстда ўзаро ўрин алмашаётган бирликларнинг когезия боғламини яратиш имконияти уларнинг ягона бир концептуал майдонда ўзаро алоқадорлиги билан боғлиқ. Турли нутқий бирикмаларда ёнма-ён турадиган бирликлар лисонийдан кўра кўпроқ концептуал сатҳдаги муносабатлар кўламида ўзаро алоқага киришадилар.

6. Олмошлар ва бошқа ўрин алмаштириш кувватига эга бирликларнинг антицедент билан муносабати метономик хусусиятга эга. Семантик жиҳатдан заифлашган шакллар тўлиқ маъноли шакл ўрнини олиши мумкин. Оқибатда, шакл-шакл ўрнига ва тушунча – тушунча ўрнига моделида ҳосил бўлган метонимлар грамматик когезия воситасига айланади. Олмош ва бошқа дейктик бирликлар қўлланишида бир шаклнинг иккинчиси ўрнида қўлланиши кузатилади. Концептуал нуқтаи назардан қаралганда эса, мазкур шакллар ягона бир тушунчани воқелантираётгани аён бўлади.

7. Ушбу тадқиқотда метонимик муносабатлар шакланишининг сабаб – оқибат ва ёнма-ёнлик тамойилларига асосланган ҳолда метонимлар “яхлит – қисм” ва “сабаб – оқибат” турларига ажратилди. Иккала турдаги метонимларнинг медиаматнларда бажарадиган вазифалари ўзаро фарқ қилади.

8. Медиаматнлар табиатан метонимик хусусиятга эга, чунки матнда ифодаланаётган хабар воқелик ёки концептуал оламнинг фақат бир қисмини акс эттиради. Оммавий ахборот воситалари учун мақола тайёрлаётган мухбир кечган воқеанинг энг муҳим жиҳатларини ёритиш орқали ушбу воқеа ҳақида яхлит тасаввур уйғотишга ҳаракат қилади. Тайёрланган матн ва яхлит воқелик ўртасидаги боғлиқлик “қисм яхлит ўрнида” кўринишидаги метонимик муносабатни ҳосил қилади. Ушбу ҳолатда эълон қилинган матн

билан танишаётган ўқувчида воқеа ҳақида яхлит тасаввур туғилиши кузатилади.

9. Матнда мавжуд бўлган сабаб – оқибат муносабатларининг метонимик асосга эга бўлиши матнни коммуникатив мақсадга ҳозиржавоб тузилма сифатида тасвирлаш имконини беради. Чунки, медиаматнда баён қилинаётган ҳар бир ҳолат ёки воқеа бошқа бир воқеанинг натижаси бўлиши аниқ. Сабаб ва оқибат шу қадар бир–бирига боғлиқки, ҳатто улар воқелик концептуаллашуви шароитида кўпинча қоришиб кетади. Бундай яқинлик матн таркибидаги “яхлит – қисм” ва “сабаб – оқибат” муносабатларини фарқлашни қийинлаштиради. Аммо бу маълум бир матнда сабаб ва оқибатнинг бир пайтнинг ўзида мавжуд бўлиши шарт деган хулосага олиб келмайди, зотан сабаб ва оқибатнинг ўзаро боғлиқлиги имплицит тарзда намоён бўлади. Натижада, “сабаб – оқибат” муносабати доирасида шаклланган метонимларда баъзан сабаб ёки оқибат қисмлари тағмаёноли ифода кўринишини олади.

10. Мазкур диссертацияда метонимларнинг медиаматнлар тузилишида тутган ўрни ўрганилди. Аммо ишда қўлланилган тадқиқ усуллари бошқа жанрга оид матнлар таҳлиliga жорий қилиш мумкин. Айти пайтда, метонимиянинг лисоний маданиятга хос ҳодиса эканлигини инобатга олган ҳолда, ушбу ҳодисанинг турли тилларда битилган матнларда бажарадиган вазифаларини аниқлаш мақсадида тиллараро чоғиштира тадқиқотлар олиб боришнинг муҳимлигини қайд этиш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/04.06. 2021.Fil.72.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ШОДИКУЛОВА АЗИЗА ЗИКИРЯЕВНА**

**КОГНИТИВНО-ДИСКУРСИВНЫЕ АСПЕКТЫ РЕПРЕЗЕНТАЦИИ  
МЕТОНИМИИ В МЕДИАТЕКСТЕ**

**10.00.04 – Языки и литература народов Европы, Америки и Австралии**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Бухара – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована за номером В2022.1.PhD/Fil464 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Докторская диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Бухарского государственного университета ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** Сафаров Шахриёр Сафарович  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Ахмедов Ойбек Сапорбаевич  
доктор филологических наук, профессор

Файзуллаев Отабек Мухаммадович  
доктор философии по филологическим наукам (PhD)

**Ведущая организация:** Ургенчский государственный университет

Защита диссертации состоится «19» исебр 2022 года в 12<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 по присуждению учёных степеней при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200118, г. Бухара, улица М.Икбол, 11. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-57, e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz).)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрировано за № 193). (Адрес: 200118, г. Бухара, улица М.Икбол, 11. Тел.: +99865 221-25-87.)

Автореферат диссертации разослан «07» исебр 2022 года.  
(Протокол-реестр рассылки № 22-24 от «07» исебр 2022 года.)



**Д.С. Ураева**  
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук, профессор

**З.И. Расулов**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат филол. наук, доцент

**М.М. Жураева**  
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук, доцент



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировом языкознании, благодаря развитию направления антропоцентризма, усиливается потребность в осуществлении фундаментальных исследований по выявлению возможностей описания мыслительной деятельности человека, а также языковой картины мира. В связи с этим, большую значимость имеет определение онтологической сущности явлений, обеспечивающих эффективность дискурсивной деятельности, а также масштаба правил и принципов, являющихся основанием для их актуализации в составе текста.

Широкомасштабное изучение явления метонимии в мировой филологии предоставляет возможность для раскрытия семантической и функциональной природы данного явления на требуемом уровне, определения задач, выполняемых им в структуре текста. Однако, возможности образования когезийных связок метонимических отношений изучены недостаточно, а факторы, стимулирующие их возникновение, не описаны подробно. Также, условия актуализации метонимических отношений в дискурсе полностью не обоснованы с научной точки зрения, что требует комплексного исследования данной проблемы с применением современных методов анализа.

В период обновления социальной жизни наша страна не осталась в стороне от интеграции науки. В новых подходах, возникших в мировом языкознании, выдвигается идея рассмотрения человеческого фактора в разрезе “язык и мышление”, “язык – человек – коммуникация”, и в узбекском языкознании также появилась возможность расширения масштаба исследований. В действительности, настоящее время диктует необходимость регулярного обогащения сфер науки новым мышлением, идеями и принципами. В особенности, проникновение английского языка как средства международной коммуникации во все области нашей жизни установило перспективы изучения социальных проблем в контексте иностранных языков. Принятие Президентом постановления “О мерах по поднятию на качественно новый уровень деятельности по популяризации изучения иностранных языков в Республике Узбекистан”<sup>1</sup> поставило перед учёными-специалистами задачу подробного изучения системы различных языков с теоретической и практической точки зрения.

Результаты данного исследования в определённой степени послужат выполнению задач, предусмотренных указами Президента Республики Узбекистан УП-60 “О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы” от 28 января 2022 г., №УП-5647 от 8 октября 2019 года “Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года”, постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-3775 от 5 июня 2018 года “О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и

---

<sup>1</sup>Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-5117 от 19 мая 2021 года “О мерах по поднятию на качественно новый уровень деятельности по популяризации изучения иностранных языков в Республике Узбекистан”.

обеспечению их активного участия в широкомасштабных реформах, осуществляемых в стране”, №ПП-5117 от 19 мая 2022 года “О мерах по выведению деятельности по популяризации изучения иностранных языков в Республике Узбекистан на качественно новый уровень”, и другими нормативно-правовыми актами в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: I. “Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства”.

**Степень изученности проблемы.** Известно, что явление метонимии издревле упоминалось в различных исследованиях и учебниках. С времён Аристотеля метонимия, наряду с метафорой, рассматривалась как явление, связанное с переносом одного из близких предметов или явлений на другой, освещены его лингвистические и риторические аспекты<sup>2</sup>.

В ряде исследований изучены аспекты, связанные с возникновением переносного значения в метонимии, и зафиксированы их различия<sup>3</sup>. Кроме того, явление метонимии изучалось на лексическом уровне на основе традиционной трактовки, рассматривалось её референтное и безреферентное выражение, грамматические свойства в системе словообразования<sup>4</sup>.

Развитие когнитивной лингвистики в последние годы создало почву для доказательства возникновения метонимического переноса на основе отношений между концептами. В результате, расширился масштаб

---

<sup>2</sup>Dirve R., Porings R. (ed.) *Metaphor and metonymy in Comparison and Contrast*. – Berlin: Mouton de-Gruyter, 2002. –78 p; Lyons J. *Linguistic Semantics: An Introduction*. – Cambridge: CUP, 1995. –68 p; Searle J. *Expression and meaning*. – Cambridge: CUP, 1975. –59 p; Koch P. *Metonymy: Unity in diversity // Journal of Historical Pragmatics*, 2001. Vol. 2.–P. 201-244; Арутюнова Н.Д. *Язык и мир человека*. – М.: Языки славянской культуры, 1998. –86 с; Якобсон Р. *Работы по поэтике*. – М.: Прогресс, 1987. –46 с; Степанов Ю.С. *В трехмерном пространстве языка*. – М.: Наука, 1985. –93 с; Аликулов Т. *Метонимия ва полисемия тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар* –Т.: Фан, 1965. –93 б; *Ўзбек тили лексикологияси*. – Т.: Фан, 1981. –47 б; Сувонова Р. *Ўзбек тилида метонимия*. – Т.: Халқ мероси, 2003.–46 б.

<sup>3</sup>Арнольд И.В. *Лексикология английского языка*. Л.: Просвещение, 1990. –39 с; Фомина М.И. *Лексика современного русского языка*. – М.: Высшая школа, 1973. –79 с; Русанівський В.М. *Структура лексичной и грамматичной семантики*. – Киев: Наукова думка, 1988. –120 с; Никитин М.В. *Лексическое значение в слове и словосочетании*. – Владимир: Изд-во ВГПИ, 1974. –96 с; Аликулов Т. *Функциядошлик ҳодисасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти*, 1965, 6 – сон. -66 б; Миртожиев М. *Ўзбек тили семасиологияси*. – Т.: Мумтоз сўз, 2010.-11 б; Kwiatkowska A. *Pre – linguistic and non – linguistic metonymy // Perspective in Metonymy*. – Frankfurt Main: Peter Lang, 2007. –P. 297-307; Radden G. *How metonymy care metaphors? // Metaphor and Metonymy at the Crossroads*. –Berlin: Mouton de Gruyter, 2000. –P. 93-108.

